

Бақара сурасининг илмий тафсири (биринчи қисм)



10:05 / 26.08.2020 7362

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

??? ?????? ?????????? ??? ?????? ? ?????? ? ??????

??????????????????

«Алиф лаам мийм. Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир» (Бақара сураси, 1-2 оятлар)

«Алиф лаам мийм». Ҳижой араб ҳарфлари бўлиб, муқоттаот ҳарфлар, яъни «узилган» ҳарфлар дейилади. Ушбу ҳарфлар оят бошида келиб, бирикиб, сўзга айланган бўлса-да, одамлар сўзлашувида ишлатадиган сўзлар каби маъноларни ифода қилмайди. Қуръони Каримда муқоттаот ҳарфлар билан бошланадиган 29 та сура бор. Уларнинг ҳаммаси сура бошида келади. Ушбу ҳарфлар ҳақида айтилган энг аҳамиятли гаплардан бири шуки, баъзи сураларнинг бошида шу каби ҳарфларнинг келиши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолатлари ва

пайғамбарликлари ҳақ эканига далилдир. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уммий – ўқиш-ёзишни ўрганмаган эдилар. Ўқиш-ёзишни ўрганмаган, хат-саводи йўқ одам ҳарфларнинг номини билмайди, фақатгина ҳарфларнинг талаффузини, товушини билади холос. Ҳарфнинг товушини, талаффузини билгани учун ўша ҳарфлардан гап туза олади. Лекин уларнинг номларини билмайди.

Қуръоннинг 29 та сурасининг бошида араб ҳарфларининг келиши, уларнинг номини айтиб қироат қилиниши, масалан, алиф ҳарфи замма, фатҳа, касранинг келишига қараб «а», «и», «у» каби унлиларни ифода этсада, аммо ушбу биз ўрганаётган суранинг бошида «а» деб эмас, балки «алиф» деб ҳарфнинг номи айтилиши, ўқиш-ёзишни ўрганмаган улуғ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳарфларни ўз номи билан тиловат қилганлари ва бошқаларга ҳам шундай тиловат қилишни таълим берганлари у зоти бобаракот Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссалом орқали Аллоҳ таолонинг Ўзидан қабул қилиб олганларига, мазкур ҳарфларнинг номларини у зотга Аллоҳ таоло билдирганига далолат қилади.

«Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир»

Иккинчи оятдаги «**Ушбу Китоб**»дан мурод Қуръони Каримдир. Оятдаги «ройб» сўзи шак, шубҳа деган маъноларни англатади. Демак, оятнинг маъносининг таржимаси «Қуръони Каримда ҳеч шак-шубҳа йўқдир» бўлади.

Ушбу оят ҳам Қуръоннинг Аллоҳнинг Китоби эканига, инсон томонидан ёзилмаганига гувоҳлик берадиган мўъжизалардандир. Биз бир саҳифа матн ёзадиган бўлсак, ёзганимизни токчага қўйиб, уйқуга ётамиз. Эртаси куни ўша саҳифани яна бир бор кўздан кечириб, ўқиб чиқамиз. Кеча эътибор берилмаган баъзи хатоларини тузатиб, қўшадиган жумлаларни қўшамиз, баъзи жойларини қисқартирамиз, баъзи сўзларни бошқасига алмаштирамиз. То ўзимизга маъқул бўлгунича бир неча марта таҳрир қиламиз. Аммо Қуръони Карим 114 та сурани ўз ичига олган, унда 6 мингдан ортиқ кўп оятлар бор бўлсада, Қуръоннинг ҳеч бир еридан битта ҳам хато топмаймиз. Хусусан, Қуръони Каримда луғатга, ақидага, ибодатга, ахлоққа, шариатга, илмга, тарихга, тарбияга, нафсга оид маъноларда ва бошқарувга оид маъноларда ҳам умуман хато йўқ. Буларнинг барчаси Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг Каломи эканига гувоҳлик берувчи мўъжизалардандир.

Ғарблик катта олимлардан бири, Бақара сурасининг бошидаги мазкур оятларни ўқийди ёки унга ўқиб беришади:

«Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир»

Буни эшитган олим тўхтаб қолади. Бир инсон бирор мактуб ёки китоб ёзмоқчи бўлса, ёзганларини қайта-қайта текшириши, кўп таҳрир қилиши, шунда ҳам бирор хатоим қолиб кетмадими деган хаёлда бўлишини ҳис қилиб, «Бу Китоб бир минг тўрт юз йилдан кўпроқ вақтдан бери **«Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ»** деяптими, демак, буни нозил қилган Зот оламларнинг Роббисидир» дейди.

Қуръони Каримни бошқа самовий китобларга луғати жиҳатидан, Аллоҳ таолога, фаришталарга, пайғамбарларга, муқаддас китобларга, қайта тирилишга, охиратдаги ҳисобга, жаннат ва дўзахга, қазо ва қадарга иймон келтиришга қилган даъвати жиҳатидан солиштирсак, ўртада улкан фарқни кўрамиз. Аллоҳ таоло Забур, Таврот ва Инжилни ҳам маълум пайғамбарлар алайҳимуссаломга нозил қилган. Аммо бугунги кунда мазкур китоблардаги маънолар бузиб, ўзгартириб юборилган. Аллоҳ таоло ҳақидаги, пайғамбарлар борасидаги маънолар бутунлай бузиб ташланган. Қуръони Карим эса ўша китоблардаги хатоларни тuzатиб, Аллоҳ таолони нолайиқ сифатлардан поклаб нозил бўлган.

Қуръони Карим ғайб олами борлиги, қайта тирилиш ҳақлиги, инсонларнинг маъшар майдонида тўпланишлари, уларнинг ҳисоб қилинишлари, амалларнинг мезонда тортилиши, сирот кўпригининг борлигини кўплаб оятларда таъкидлаб баён қилган. Қуръони Каримнинг барча оятлари, ҳарфлари Аллоҳ таоло тарафидан нозил қилинган бўлиб, унга заррача ҳам инсоннинг даҳли, аралашуви йўқ. Агар Аллоҳ таоло тўғри ақидани Қуръони Каримда баён қилиб бермаганда, инсонлар ҳеч қачон тўғри ақидада бўла олмасдилар. Ислоннинг устунлари бўлган иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа таъаббудий масалаларга диққат билан назар солсак, инсоннинг ақли қабул қиладиган, қалби ором оладиган масалалар эканини кўрамиз. Бу амалларнинг таъсирини одамларнинг ҳаётида ҳам кўриб, гувоҳи бўламиз.

Ислон динида ичида хатолиги бор бирорта таъаббудий ёки ахлоқий масалани кўрмаймиз. Шариат аҳкомларини ўқиган, кўрган инсон, хоҳ у мусулмон бўлсин, хоҳ мусулмонмас бўлсин, инсоф кўзи билан қараса, бу шариатни инсон тuzмаганини, балки у Қудратли Зот томонидан жорий қилинганини англайди. Яна таъкидлаб айтамикки, ҳеч бир ақлли одам

Қуръони Каримнинг бирорта оятида ёки бирорта калимасида заррача хатони кўрмайди, топмайди.

Биз мусулмонларнинг вазифамиз ушбу юқорида айтилган маълумотларни одамларга етказиб, Қуръоннинг нақадар улуғ китоб эканлигини, у Аллоҳ таолонинг ожиз қолдирувчи Каломи эканини етказиш, тушунтиришдир.

Роббимиз азза ва жалла Қуръони Каримда Қуръонни васф қилиб, шундай деб марҳамат қилган:

???? ?????????? ?????????????? ??? ??????? ???????????

????? ???? ?????????? ? ?????????? ?????? ??????????

?????????

«Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмас. У ўта ҳикматли, ўта мақталган Зот томонидан нозил қилингандир» (Фуссилат сураси, 42-оят).

Араб тили уламолари айтишадики, Қуръони Карим ояти сиёқидан битта сўзни олиб, уни тилшунослик академияларига кўрсатиб, шунга ўхшаш калима ижод қилишларини сўрасангиз, олимлар асло унга ўхшаш калимани ижод қилолмайдилар.

Ҳа, Қуръони Каримнинг сифатларидан бири «Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ»дир. Дарҳақиқат, ушбу Китобда ҳеч қандай хато йўқ, ҳеч қандай тойилиш йўқ, ҳеч қандай шак йўқ. Ҳатто Қуръони Каримда келган ғайбий масалаларда ҳам шак-шубҳа йўқ! Ҳар бир оқил инсон унга иймон келтириши, унинг ҳақлигини тасдиқлаши, унга таслим бўлиши шартдир! Қуръони Каримда ишора қилинган борлиққа оид маълумотлар, оятлар шу даражада нозик ва аниқ берилганки, бошқа ҳеч бир китоб бу даражада васф билан келтира олмайди.

Зағлул Нажжорнинг «Қуръони Каримнинг илмий тафсири»

кўрсатуви асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади